

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

2-МЖ-12 гуруҳ талабаси
Исмоилов Санжарбек Мансуржон ўғли
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбул ўлчамларини аниқлаш
ва такомиллаштириш
(Тўрақўрғон тумани мисолида)

Илмий раҳбар:

Т.Дадабоев

Наманган-2016

Аннотация

Исмоилов Санжарбек Мансуржон ўғлининг Фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбул ўлчамларини аниқлаш ва такомиллаштириш (Тўрақўрғон тумани мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишида Мамлакатимизда Фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбул ўлчамларини аниқлаш ва такомиллаштириш қўл келадиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида Фермер хўжаликлари ер майдонини мақбуллаштириш ва мақбуллаштиришнинг ҳуқуқий асослари, фермер хўжалиги ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари, Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш тартиби, Фермер хўжаликлари ер майдонини мақбуллаштириш асослари ва Фермер хўжаликларини ер майдонини мақбуллаштиришда қонун устуворлигини таъминлаш (Ҳуқуқий асослари) ёритилиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани фермер хўжаликларининг ташкилий- иқтисодий кўрсаткичларини тахлили ва Тўрақўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унда хизматкўрсатиш соҳасининг ўрни тахлили қилинган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантириш йўллари ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва аграр соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Хулоса қисмида мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ ҳар бир соҳада салмоқли натижалар, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, мамлакатда иқтисодийнинг етакчи тармоқлари ҳисобланган саноат, қишлоқ хўжалиги ва уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда эгалланган тажриба бугунги марраларга асос бўлиб хизмат қилаётгани айтиш ҳақиқатдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири, энг аввало, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятининг рентабеллигини ошириш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини ишончли таъминлаш механизмини шакллантириш орқали муттасил ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "...қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуриимизнинг принципиал муҳим йўналишидир.

Айтиш керакки, мазкур тармоқда хўжалик юритишнинг фермерлик тизимига ўтилиши муносабати билан фермерлар учун ижара мулки ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу тадбирни амалга ошириш, биринчи навбатда, суғориладиган деҳқончилик шароитида, сув тақчиллиги ва ерларнинг аксарият қисми кучли шўрланган бир вазиятда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва қишлоқ туманларида экин майдонлари амалда тупроқ унумдорлиги ва ер бонитети бўйича кескин фарқ қилиши билан боғлиқ.

Турли минтақаларда ташкил қилинган фермер хўжаликларининг тўплаган ривожланиш тажрибаси, самарадорлиги ва рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда, уларни оқилона ва қулай миқдордаги ер участкалари билан таъминлаш учун қаттиқ иш олиб боришга тўғри келди”¹.

Қишлоқ хўжалигида асосий товар ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш механизмларидан бири, бу уларга ажратилган ер майдонларининг ўлчами талабгорнинг имкониятлари билан мақбул келишидан иборатдир. Шу мақсадда ўтган йиллар давомида мазкур масалани тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамини мақбуллаштиришга қаратилган ҳуқуқий база шакллантирилди. Унда фермер

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш тушунчаси ва тартиб-тамойиллари белгилаб берилди.

Мақбуллаштириш тизимининг ўзига хос ёндашуви шундан иборатки, янги фермер хўжаликларини танлаш ва ташкил этишда ҳар бир туманга хос хусусиятлар инобатга олиниб, аҳоли сони ва бошқа омилларга эътибор қаратилди. Айниқса, фермерлик ҳаракатининг жорий этилгани ердан оқилона ва самарали фойдаланиш, ҳам ўзи учун, ҳам юрт манфаати учун ишлайдиган, ерни ер, элини фаровон, ўзини эса бой қиладиган тадбиркор ҳақиқий деҳқонларни майдонга олиб чиқди. Бугун фермер шунчаки мулкдор эмас, у қишлоқ хўжалигининг муҳим мурвати. У бой бўлса, мамлакат бойийди, эл фаровон яшайди. Шу боис, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай шарт-шароит яратиш ҳамда тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлар диплом иши мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг ривожлантириш масалаларида аграр иқтисодчи олимлардан С.Н.Усмонов, Р.Х.Хусанов, Н.С.Хушматов, Т.Х.Фармонов, А.М.Қодиров, Ч.Муродов, О.Жумаев, М.Собиров, Х.С.Хушвақтова, Қ. Ҳасанжонов, К.Чориев, А.Абдуғаниев, Э.Акрамов, А.Жўраев, А. Шокиров, Ш.Х.Мўминовлар илмий изланишлар олиб боришган.

Шу билан бир қаторда юқоридаги муаллифларнинг илмий ишлари турли даврларда бўлганлиги сабабли фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбул ўлчамларини аниқлаш ва такомиллаштириш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Диплом ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбул ўлчамларини аниқлаш ва такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда Диплом ишида куйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал қилинди:

- Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш тартиби аҳамияти ўрганиш;

- Фермер хўжаликлари ер майдонини мақбуллаштириш асосларини кўриб чиқиш;

- Фермер хўжаликларини ер майдонини мақбуллаштиришда қонун устуворлигини таъминлашини ўрганиш;

- Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани фермер хўжаликларининг иқтисодий тахлили ва ер майдонларини мақбул ўлчамларини тахлили;

- Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва аграр соҳадаги ислохотларни кўриб чиқиб ўрганиш;

- Аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантириш йўллари ўрганиш;

- Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий- иқтисодий жихатлари аниқлаб улар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диплом ишининг объекти сифатида Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани фермер хўжаликлари белгиланган.

Диплом ишининг предмети сифатида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида фаолият фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбул ўлчамларини аниқлаш ва такомиллаштириш иқтисодий муносабатлар мажмуи танланди.

Диплом ишининг услубий ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат модернизациялаштириш сиёсатида оид асарлари, Қишлоқ хўжалиги инфиратузилмасини ривожлантиришига бағишланган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Битирув малака иши бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Сатистика Қумитаси, Наманган вилояти ва Тўрақўрғон тумани хокимлиги иқтисодиёт бошқармаси, Статистика бошқармаси ҳисоботлари ҳамда таҳлиллар натижаларидан фойдаланилди.

Диплом ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда фермер хўжалигининг баркарор ривожланиши, қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиги стратегиясини қўллаш ва ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Наманган вилояти иқтисодиётининг аграр соҳаларида фермер хўжаликлари истикболда ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалигида менежмент», «Тадбиркорлик асослари», “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” фанларини ўқитишда, ҳамда Наманган вилояти хокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диплом ишининг таркиби Битирув малака иши Қириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

I Боб Фермер хўжаликлари ер майдонини мақбуллаштириш ва мақбуллаштиришнинг ҳуқуқий асослари

1. Фермер хўжалиги ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари

Республика қишлоқ хўжалигида давлат раҳбарлигида, босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мулкнинг хилма-хил турлари ва уларга асосланган корхона турлари шаклланган. Жумладан, хусусий мулкга асосланган фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда.

Президентмиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “...жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

Айнан ана шу соҳаларда ҳали фойдаланилмаган улкан имконият ва салоҳият кўп. Экспортга маҳсулот чиқарадиган саноат корхоналаридан фарқли равишда кичик бизнес субъектлари ва фермерлар ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан олган валюта тушумларининг 50 фоизини банкларга сотиш мажбуриятидан озод қилингани ва уларнинг экспортга маҳсулот етказиб беришдан, аввало, ўзларининг манфаатдор бўлишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор”² Янги тахрирдаги “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида, “Фермер” хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир”, деб тушунча берилган. Хозирги даврда фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъект сифатида кичик, тадбиркорлик вакили ҳисобланади. Чунки 2005 йилнинг 1-июлига битта фермер хўжалигида ўртача 6,5 та ёлланма ишчилар сони тўғри келган. Фермер хўжалиги зиммасига қуйидаги вазифа қўйилган. Яъни узоқ муддатга ижара ерлардан, мавжуд бўлган барча ресурслардан йил давомида оқилона, тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида ички ва ташқи бозор талабларини қондирадиган миқдорда, сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга ҳолда етказиш ҳамда турли хилдаги хизматлар кўрсатиш оқибатида кўпроқ фойда олиш. Бу фермер хўжалигининг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган асосий мақсадидир. Уни тўлиқ ҳал этиш учун фермер хўжалиги бир қанча муҳим вазифаларни амалга оширишни белгилаб олади:

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

- 30 йилдан 50 йилгача ижарага олинган ер участкасида, шу ҳақдаги шартномага ва ихтисослашувга мувофиқ ўз ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри ташкил этиш;

- хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган барча ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг сифати, ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайдиган турли хилдаги контрактация шартномаларини тўғри ва сифатли тузиш;

- экологик талабларга ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг барча қоидаларига риоя этишга эришиш;

- ижарага олинган ер участкаларини йил давомида оқилона, тўлиқ, самарали фойдаланиш мақсадида унинг унумдорлигининг оширилишини таъминлайдиган ирригация-мелиорация тадбирларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда уларни вақтида, сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

- хўжалик фаолиятини самарали юритиш учун талаб этилган маблағларнинг миқдорини белгилаш ва уларнинг манбаларини оқилона аниқлаш, хўжаликда мавжуд бўлган барча ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлайдиган тадбирларни аниқ ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этилишига эришиш;

- хўжалик уставида кўзда тутилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга қаратилган тадбиркорликни қўллаб, уларга камроқ меҳнат, маблағ сарфлаш эвазига ишлаб чиқариш, уларни истеъмолчиларга сифатли ҳолда етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш, мулкни мустақил, ўз ҳоҳишига кўра тасарруф этиш;

- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари (пахта, дон) учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган миқдорда, сифатда етказиб берилишини таъминлаш;

- харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш;

- маркетинг ишларини амалга ошириб, сотадиган барча турдаги давлат буюртмасидан ташқари бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига эркин нарх белгилаш;

- ўз фаолиятининг барча соҳаларида фан ютуқларини, янги техника ҳамда самарали технологияларни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиш;

- барча ходимларининг билим ва малакасини давр талабини эътиборга олган ҳолда ошириш, уларни маънавиятли, маърифатли, ҳалол, пок, муомалали яхши инсонлар бўлишини таъминлаши, улар меҳнатининг натижасига қараб моддий ва маънавий рағбатлантириш;

- солиқлар, йиғмалар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида тўлиқ тўлаш;

- тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида юритиш, кўпроқ пул даромадларни олиш, уларни мустақил тасарруф этиш,

хажми чекланмаган миқдорда соф фойда олиш, унга эркин эгалик қилиш ва самарали фойдаланиш;

- акциялар ва турли хилдаги қимматли қоғозларни олиш;

- кичик бизнес корхоналари учун яратилган имтиёзлар ва проференцияларнинг барча турларидан имконият доирасида тўлиқ ва самарали фойдаланиш;

- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш учун судга мурожаат этиш, зарур бўлган ҳолларда фермер хўжалигини давлат бош ислохотчи, қонун устиворлиги, эркинлик ҳамда мустақиллик ва бошқа томонлари асосида амалга оширса, самарали бўлади.

Республикада фермерликни ривожлантиришнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий моҳияти қуйидагиларга қаратилган:

- қишлоқда турли турдаги мулк шакллари ва уларга эгалик қилиш, фойдаланувчи корхоналарни ташкил этиш, юритиш ва ривожлантириш;

- тармоқдаги барча мулкӣ муносабатларни шакллантириш, ривожлантириш, модернизациялаштириш ҳамда эркинлаштириш;

- турли мулкчиликга асосланган субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқӣ, меъёрий, иқтисодӣ шароитларни яратиш;

- қишлоқдаги мулкдорлар синфининг мулкӣ онгини барқарор юксалтириш;

- қишлоқ хўжалигида янги иш жойларини барпо этиш, тармоқдаги аҳолини иш билан бандлигини юксалтириб, ишсизлар сонини камайтириш;

- аҳолининг ва қайта ишлаш саноати корхоналарини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни юксалтириш;

- аҳолининг даромадини кўтариш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва бошқалар.

1.2. Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш тартиби

Президентимиз Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодӣ дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибӣ ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тармоқда хўжалик юритишнинг фермерлик тизимига ўтилиши муносабати билан фермерлар учун ижара мулки ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласига ҳам тўхталди. 2015 йилда ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида мамлакатимизда 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилган. – Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги, қишлоқ хўжалигини сердаромад тармоққа, фермерлик ҳаракатини қишлоқда етакчи кучга айлантириш ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш

ва уни тугатиш тартиби Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори, фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида ва низом шунингдек умумий қоидалар асосан фермер хўжалиги давлат мулки бўлган ер майдонини ижара шартномаси тузиш асосида узоқ муддатли ижарага бериш, фермер томонидан тегишли мажбуриятлар қабул қилиш йўли билан ташкил этилади.

Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш — ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва фермер хўжалигининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида унинг ер майдони ҳажмини ўзгартириш ва шунингдек, фермер хўжалигини тугатиш — фермер хўжалигини ихтиёрийлик асосида ёки мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатлади.

Фермер хўжалиги ер майдонини камайтиришни назарда тутган ҳолда ихтиёрийлик асосида уни мақбуллаштириш фермер хўжалиги раҳбарининг туман (шаҳар) ҳокимига берилган ариза асосида амалга оширилади.

Ўзининг ер майдонини кенгайтирган ҳолда уни ихтиёрийлик асосида мақбуллаштиришни хоҳловчи фермер хўжалиги давлат мулки бўлган ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш танловида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиши керак.

Ихтиёрийлик асосида амалга оширилган мақбуллаштиришдан сўнг фермер хўжалигида қолган ер майдони «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган минимал миқдордан кам бўлмаслиги керак, деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги учун ижарага бериладиган ер майдонининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун — камида 30 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун — камида 5 гектар бўлади. Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштиришда ер майдони контурларининг яхлитлиги бузилишига йўл қўйилмайди.

Туман ҳокимининг ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилади, Комиссия ўн кун мобайнида туман ҳокимининг қарорини тасдиқлайди ёки уни рад этиш тўғрисида асосланган қарор чиқаради. Туман ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг, туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари ўртасида тузилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш Фермер хўжалигини ихтиёрийлик асосида тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилишининг ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш фермер хўжалиги

томонидан шартнома интизоми бузилишининг ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга оширилади.

Ер майдонини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилиш ва фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (туман (шаҳар) ҳокими) томонидан тақдим этиладиган даъволар асосида, хўжалик суди қарорига биноан амалга оширилади.

Фермер томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятлари бажарилишининг чуқур таҳлили натижасида қуйидаги ҳолатларнинг аниқланиши:

а) ер майдонини ижарага олиш шартномаси шартларининг қўпол равишда бузилганлиги, энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги — ер ресурслари ва давлат кадастри, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда туман фермерлари кенгаши томонидан;

б) фермер хўжалигини шакллантириш чоғида фермер хўжалиги ихтисослашувининг бузилганлиги — ер ресурслари ва давлат кадастри, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда туман фермерлари кенгаши томонидан;

в) ижарага берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан оқилона фойдаланмаслик, мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олинганлиги — қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастри органлари ҳамда туман фермерлари кенгаши томонидан;

г) фермер хўжалиги билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, энг аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномалари шартларининг мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) бажарилмаганлиги (форс-мажор ҳолатларининг вужудга келиши ҳолатлари бундан мустасно) — қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, туман фермерлари кенгаши, шунингдек тайёрлов ташкилотлари томонидан;

д) хўжалик фаолиятининг самарасиз ва паст рентабеллик билан юритилиши — қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек туман фермерлари кенгаши томонидан фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш билан боғлиқ масалалар бўйича даъво аризаларини кўзғатиш ва хўжалик судига бериш учун асос ҳисобланади.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан далолатнома тузилади, унга йўл қўйилган қонун бузилишлари ҳолатини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар ва материаллар илова қилинади, далолатнома мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкилотлар) вакиллари ва фермер хўжалиги раҳбари томонидан имзоланади.

Фермер хўжалиги раҳбари далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, далолатномада

Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмаганда туман (шаҳар) ҳокими, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорини, Комиссиянинг хулосасини, туман фермерлари кенгашининг хулосасини далолатномани ва бошқа зарур ҳужжатлар ва

материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига даъво аризасини юборади.

Тугатилган фермер хўжалигининг ер майдони олиб қўйилади ва кейинчалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа талабгорларга танлов асосида берилади.

Фермер хўжалигини тугатишда мулк ҳуқуқи билан унга қарашли бўлган иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер майдонини олиб қўйишга фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Туман ҳокимининг қарори асосида мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг қийматли мол-мулк бериш ва унинг кўрган зарарларини қоплаш ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаш тегишли ер майдонини уни узоқ муддатли ижарага бериш танлови натижалари асосида олган фермер хўжалиги томонидан амалга оширилади.

Тугатилаётган фермер хўжалигининг қарзларини тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тугатилганда унинг қарзларини тўлаш тугатувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Кредиторларнинг талабларини тўлиқ қондиришнинг имкони йўқлиги аниқланган тақдирда тугатувчи фермер хўжалигини иқтисодий ночор (банкрот) деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши шарт. Фермер хўжалиги банкрот деб эътироф этилган вақтдан бошлаб ихтиёрий тугатиш тўхтатилади ва бундан кейинги тартибот банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.3. Фермер хўжаликлари ер майдонини мақбуллаштириш асослари

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади, энг аввало, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятининг рентабеллигини ошириш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимояси механизминини шакллантириш орқали муттасил ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Президентмиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “...қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принципиал муҳим йўналишидир.

Айтиш керакки, мазкур тармоқда хўжалик юритишнинг фермерлик тизимига ўтилиши муносабати билан фермерлар учун ижара мулки ҳуқуқи асосида

ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу тадбирни амалга ошириш, биринчи навбатда, суғориладиган деҳқончилик шароитида, сув тақчиллиги ва ерларнинг аксарият қисми кучли шўрланган бир вазиятда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва қишлоқ туманларида экин майдонлари амалда тупроқ унумдорлиги ва ер бонитети бўйича кескин фарқ қилиши билан боғлиқ.

Турли минтақаларда ташкил қилинган фермер хўжаликларининг тўплаган ривожланиш тажрибаси, самарадорлиги ва рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда, уларни оқилона ва қулай миқдордаги ер участкалари билан таъминлаш учун қаттиқ иш олиб боришга тўғри келди”³.

Қишлоқ хўжалигида асосий товар ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш механизмларидан бири бу уларга ажратилган ер майдонларининг ўлчами талабгорнинг имкониятлари билан мақбул келишидан иборатдир.

Шу мақсадда ўтган йиллар давомида мазкур масалани тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамини мақбуллаштиришга қаратилган ҳуқуқий база шакллантирилди. Унда фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш тушунчаси ва тартиб-таомиллари белгиланди.

Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш — ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва фермер хўжалигининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида унинг ер майдони ҳажмини ўзгартиришдан иборатдир.

Фермер хўжаликлари ер майдонини мақбуллаштиришни тартибга солувчи асосий ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

дир. ФКнинг 49-моддасида юридик шахс кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартиш тарзида қайта ташкил этилиши мумкинлиги, бундай қайта ташкил этиш муассис, давлат органи ва суднинг қарорига асосан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур йўналишдаги асосий қонун ҳужжатларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги "Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони

дир. Ушбу Фармонда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ, қатъий равишда тақдим этиладиган даъволар асосида суд орқали ҳал қилиниши мустаҳкамланган.

³ Каримов И.А. Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

Шунингдек, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир даъво аризаларини кўзгатиш ва уларни судга ошириш учун қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги асос бўлади:

— ер майдонларини ижарага олиш шартномаси шартларини қўпол равишда бузиш, яъни энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик;

— фермер хўжаликларини шакллантириш чоғида белгиланган фермер хўжаликлари ихтисослашувини бузиш, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинларини экиш;

— ижарага берилган қишлоқ хўжалик экинзорларидан нораціонал фойдаланиш, мунтазам (уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш;

— фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаси шартларини мунтазам (уч йил мобайнида) бажармаслик;

— хўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юритиш, фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш, жумладан, моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаслик.

Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштиришда ушбу мезонлар ва Ер кодексининг 36-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Низомда ҳам ўз аксини топган.

Низомда мақбуллаштиришнинг 2 хил тури ажратилган, яъни:

1. Ихтиёрийлик асосида фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ва уни тугатиш.

2. Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизомининг бузилиши ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юритилиши аниқланган ҳолатлар асосида фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ва уни тугатиш.

Фермер хўжалигининг ер майдонини ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш фермер хўжалиги раҳбарининг туман (шаҳар) ҳокимига берилган аризаси асосида амалга оширилиб, ўзининг ер майдонини кенгайтирган ҳолда уни ихтиёрийлик асосида мақбуллаштиришни хоҳловчи фермер хўжалиги давлат мулки бўлган ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш танловида қатнашиши лозим.

Туман ҳокими ариза тушгандан сўнг уч кун муддатда ҳужжатларни тегишли хулоса олиш учун туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини реализация қилиш комиссиясига тақдим этади. Комиссия бир ҳафта муддатда ушбу масалани кўриб чиқиб, тегишли хулосани туман ҳокимига тақдим этади.

Комиссиянинг ижобий хулосаси асосида бир ҳафта муддатда туман ҳокими ихтиёрийлик асосида фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бўшаб қолган ер майдони олиб қўйилади ва келгусида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабгорларга танлов асосида берилади.

Бирок, ихтиёрийлик асосида амалга оширилган мақбуллаштиришдан сўнг фермер хўжалигида қолган ер майдони Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида назарда тутилган минимал миқдордан кам бўлмаслиги керак. Яъни деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги учун ижарага бериладиган ер майдонининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун — камида 30 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун — камида 5 гектар бўлади.

Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштиришда ер майдони контурларининг яхлитлиги бузилишига йўл қўйилмайди.

Туман ҳокимининг ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилади, Комиссия ўн кун мобайнида туман ҳокимининг қарорини тасдиқлайди ёки уни рад этиш тўғрисида асосланган қарор чиқаради.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг, туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари ўртасида тузилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Фермер хўжалигини ихтиёрийлик асосида тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизомининг бузилиши ҳамда хўжалик фаолиятининг самарасиз юритилиши аниқланган ҳолатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра, хўжалик суди қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, Ер кодексининг 36-моддасида белгиланган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги, фермер хўжалиги ихтисослашувининг бузилганлиги, экин майдонларидан оқилона фойдаланмаслик, мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олинганлиги, хўжалик фаолиятининг самарасиз ва паст рентабеллик билан юритилиши юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, фермерлар кенгашлари ҳамда давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдимномалар киритилади ва улар асосида ер майдонлари мақбуллаштирилади.

Туман ҳокими комиссиянинг ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги ҳулосаси асосида ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарига таклиф киритади.

Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганда ёки ФКнинг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмаганда туман ҳокими комиссиянинг ҳулосаси асосида фермер хўжалиги билан

ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига даъво аризасини юборади.

Даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилиб, суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб туман ҳокими бир ҳафта муддатда фермер хўжалиги ер майдонини захирага олиб қўйиш ва фермер хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорга мувофиқ, фермер хўжалиги ишларини бошқариш юзасидан барча ваколатлар тугатиш комиссиясига ўтади.

Тугатилган фермер хўжалигининг ер майдони олиб қўйилади ва кейинчалик бошқа талабгорларга танлов асосида берилади.

Фермер хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштиришда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасида белгиланган ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад — халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, бунинг учун тинмай изланаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улардаги иш самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

1.4. Фермер хўжаликларини ер майдонини мақбуллаштиришда қонун устуворлигини таъминлаш (Ҳуқуқий асослари)

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири, энг аввало, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятининг рентабеллигини ошириш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини ишончли таъминлаш механизмини шакллантириш орқали муттасил ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир. Қишлоқ хўжалигида асосий товар ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш механизмларидан бири, бу уларга ажратилган ер майдонларининг ўлчами талабгорнинг имкониятлари билан мақбул келишидан иборатдир. Шу мақсадда ўтган йиллар давомида мазкур масалани тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамини мақбуллаштиришга қаратилган ҳуқуқий база шакллантирилди. Унда фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш тушунчаси ва тартиб-тамойиллари белгилаб берилди.

Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш — ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва фермер хўжалигининг молия-вий барқарорлигини таъминлаш мақсадида унинг ер майдони ҳажмини ўзгартиришдан иборат.

Фермер хўжаликлари ер майдонини мақбуллаштиришни тартибга солувчи асосий ҳужжатлардан бири, бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексидир.

Кодекснинг 49-моддасида юридик шахс қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартиш тарзида қайта ташкил этилиши мумкинлиги, бундай қайта ташкил этиш муассис, давлат органи ва суднинг қарорига асосан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур йўналишдаги асосий қонун ҳужжатларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида. Ушбу фармонда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча низоли масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ қатъий равишда тақдим этиладиган даъволар асосида суд орқали ҳал қилиниши мустаҳкамланган.

Шунингдек, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир даъво аризаларини қўзғатиш ва уларни судга ошириш учун қуйидаги ҳолатларнинг мавжуд эканлиги асос бўлади:

- ер майдонларини ижарага олиш шартномаси шартларини қўпол равишда бузиш, яъни фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик;

- фермер хўжаликларини шакллантириш чоғида белгиланган фермер хўжаликлари ихтисослашувини бузиш, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинларини экиш;

- ижарага берилган қишлоқ хўжалик экинзорларидан нораціонал фойдаланиш, мунтазам (уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш;

- фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг шартларини мунтазам (уч йил мобайнида) бажармаслик;

- хўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юритиш, фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш, жумладан, моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаслик.

Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштиришда ушбу мезонлар ва Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар асос бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январда тасдиқланган “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низомда ўз аксини топган.

Низомда мақбуллаштиришнинг қуйидаги 2 хил тури ажратилган:

- ихтиёрийлик асосида фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ва уни тугатиш;

- фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилишининг ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ва уни тугатиш.

Фермер хўжалиги ер майдонини ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш фермер хўжалиги раҳбарининг туман (шаҳар) ҳокимига берилган аризаси асосида амалга оширилиб, ўзининг ер майдонини кенгайтирган ҳолда, уни ихтиёрийлик асосида мақбуллаштиришни хоҳловчи фермер хўжалиги давлат мулки бўлган ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш танловида қатнашиши лозим.

Туман ҳокими ариза тушгандан сўнг уч кун муддатда ҳужжатларни тегишли хулоса олиш учун туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини реализация қилиш комиссиясига тақдим этиши керак. Комиссия бир ҳафта муддатда ушбу масалани кўриб чиқиб, тегишли хулосани туман ҳокимига тақдим этади.

Комиссиянинг ижобий хулосаси асосида бир ҳафта муддатда туман ҳокими ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарор қабул қилади. Бўшаб қолган ер майдони олиб қўйилади ва келгусида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабгорларга танлов асосида ижарага берилади.

Бироқ, ихтиёрийлик асосида амалга оширилган мақбуллаштаришдан сўнг фермер хўжалигида қолган ер майдон Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида назарда тутилган минимал миқдордан кам бўлмаслиги керак, яъни деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги учун ижарага бериладиган ер майдонининг энг кам ўлча-ми пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 30 гектар, боғдорчилик, узумчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун камида 5 гектар бўлади. Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштиришда ер майдони контурларининг яхлитлиги бузилишига йўл қўйилмайди.

Туман ҳокимининг ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилади. Комиссия ўн кун мобайнида туман ҳокимининг қарорини тасдиқлайди ёки рад этиш тўғрисида асосланган қарор чиқаради.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссияси томонидан тасдиқланганидан сўнг туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари ўртасида тузилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Фермер хўжалигини ихтиёрийлик асосида тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилиши ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юритилиши аниқланганда, фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси ҳамда хўжалик суди қарорига биноан амалга оширилади.

Бунда, Ер Кодексининг 36-моддасида белгиланган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги, фермер хўжалиги ихтисослашувининг бузилганлиги, экин майдонларидан оқилона фойдаланмаслик, мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олинганлиги, хўжалик фаолиятининг самарасиз ва паст рентабеллик билан юритилиши юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, фермерлар кенгашлари ҳамда давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдимномалар киритилади ва улар асосида ер майдонлари мақбуллаштирилади.

Туман ҳокими комиссиянинг ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги хулосаси асосида фермер хўжалиги раҳбари билан ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарига таклиф киритади.

Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганда ёки Фуқаролик Кодексининг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмаганда, туман ҳокими комиссиянинг хулосаси асосида фермер хўжалиги билан ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиши юзасидан хўжалик судига даъво аризаси юборади.

Даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилиб, суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб туман ҳокими бир ҳафта муддатда фермер хўжалиги ер майдонини захирага олиб қўйиш ва фермер хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорга мувофиқ фермер хўжалиги ишларини бошқариш юзасидан барча ваколат тугатиш комиссиясига ўтади. Тугатилган фермер хўжалигининг ер майдони олиб қўйилади ва кейинчалик талабгорларга танлов асосида берилади.

Фермер хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида белгиланган ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

2 боб Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларини тахлили

2.1. Тўрақўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унда хизматкўрсатиш соҳасининг ўрни

Тўрақўрғон тумани Шарқдан Чуст тумани, Шимолдан Косонсой тумани, Ғарбдан Наманган тумани ва Жанубдан Мингбулоқ тумани билан чегарадош бўлиб, унинг ҳудуди 0,278 минг км. кв.ни ташкил этади. Туман маркази Тўрақўрғон шаҳридир ва вилоят марказидан 12 км узоқликда жойлашган. Туманда 68 та Маҳалла фуқаролари йиғинлари ва 8 та Қишлоқ фуқаролари йиғинлари ўз ишларини олиб бормоқдалар. Туманда 28 та Қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган.

2016 йил бошига келиб Тўрақўрғон тумани аҳолиси 207614 кишини ташкил этади. Шу жумладан аҳолининг 103534 нафари эркаклардан иборат бўлса, аёллар 104080 кишини ташкил этади. Аҳолининг 108834 нафари меҳнат ресурслари ҳисобланиб, жами аҳолига нисбатан 52,4%ни ташкил этади. Иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар 38150 нафарни ташкил этиб, уларнинг 19239 нафари эркаклар ва 18911 нафари аёллардир⁴.

Маълумки, 2014 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 02-11-41-сонли топшириғига асосан Тўрақўрғон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича Дастур лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Хусусан, Тўрақўрғон тумани аҳолисининг турмуш шароитини янада яхшилаш, жумладан, аҳолини озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш ҳамда сервис хизматини такомиллаштириш, шунингдек, туман марказини замонавий архитектура талабларига хос бўлган инфратузилма объектларини қуриш, аҳолини соғломлаштириш ва маданий дам олиш учун зарур бўлган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу даврдан бошлаб туманда ислохотлар янгича тарзда ташкил этиб борилмоқда. Бугунги кунда Тўрақўрғон тумани иқтисодитида деярли барча тармоқлар ривожланиб бормоқда.

Хусусан, Дастур лойиҳасини амалга ошириш учун 2014-2016 йилларда жами 316,2 млрд сўм маблағлар йўналтириш режалаштирилди. Жумладан, 35,4 млрд. сўм марказлашган манбалар (12,0 млрд. сўм Таълим ва тиббиёт муассасаларини ривожлантириш фонди, 14,4 млрд. сўм Республика йўл жамғармаси, 4,1 млрд. сўм Мелиорация жамғармаси, 2,8 млрд. сўм “Маҳалла фонди” ҳамда Эксплуатация харажатлари ҳисобидан 2,1 млрд. сўм), 48,4 млрд. сўм лойиҳа ташаббускорлари ўз маблағлари (2,3 млрд. сўм “Ўзтрансгаз” компанияси, 23,5 млрд. сўм “Ўзбекэнерго” ДАК, 22,6 млрд. сўм бошқа лойиҳа ташаббускорлари), 17,0 млрд. сўм тижорат банклари кредитлари, 2,3 млрд. сўм лизинг хизматлари, 53,0 млрд. сўм Давлат бюджети, 5,5 млрд. сўм маҳаллий бюджет, 1,7 млрд сўм ҳомийлик, 2,9 млрд. сўм аҳоли маблағлари ва 150,0 млрд сўм Жаҳон банки кредит маблағи ҳисобига тўғри келмоқда.

Агар 2.1.1-жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, деярли иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўсиш динамикаси сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Хусусан, тумат бўйича олганда хизмат кўрсатиш соҳасида катта ислохотлар амалга оширилди. Шунинг учун бу соҳанинг иқтисодий кўрсаткичларини алоҳида эътироф этиш лозим. Масалан, чакана савдо соҳасида 2014 йилда ўсиш суръати 100,1%ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу ўсиш суръати 104,7%ни ташкил этди. Бунда ўтган 2014 йилга нисбатан олганда ўсиш 4,6 пунктга ижобий томонга оғганлигини кўрамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш келакки, 2016 йилда прогноз ҳолатида чакана савдо бўйича ўсишни 114,2:га етказиш кўзда тутилган. Айни пайтда, яъни 2016 йилнинг биринчи чорагига тўғри келган статистик таҳлилларга кўра бу кўрсаткич 113,8%га тенг келди.

⁴ Ҳисоблар 2015 йил якуний ҳолатига тўғри.

**Тўрақўрғон туманининг асосий макроиқтисодий
кўрсаткичлари тўғрисида⁵**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2014 йил	2015 йил	2016 йил прогноз	2016 йил 1-чорак прогноз
1	Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	%	139,5	115,4	115,0	114,0
2	Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	%	149,2	117,1	118,0	117,0
3	Қишлоқ хўжалик ялип маҳсулотлари	%	106,9	105,3	105,8	106,1
3	Пудрат ишлари	%	102,3	116,9	108,9	109,4
4	Чакана савдо	%	100,1	104,7	114,2	113,8
5	Пуллик хизматлар	%	112,0	115,6	115,0	114,0
6	Жами хизматлар	%	120,7	122,6	118,5	114,5
7	Экспорт	МИНГ. ДОЛЛ	11961,5	19377,6	13341,7	1550,0
8	Кичик бизнеснинг улуши					
	<i>саноатда</i>	%	23,4	23,9	25,0	23,3
	<i>экспортда</i>	%	35,2	100,0	100,0	100,0
	<i>аҳоли бандлигида</i>	%	80,1	82,2	82,6	83,0
9	Уй-жойлар қурилиши	МИНГ КВ.М	91	109,6	82,4	18,5
	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>	МИНГ КВ.М	89,5	107,4	79,6	17,9
10	Ичимлик суви тармоқлари тортиш	км	13,8	15,8	12,8	2,6
	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>	км	12,6	14,7	11,9	2,4
11	Коллеж битирувчилари	киши	3362	3214	2781	х
12	Ишга жойлаштирилган коллеж битирувчилари	киши	3205	3211	х	х

⁵ Жадвал муаллиф томонидан Тўрақўрғон статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб тузилган.

Ҳақиқатдан Тўрақўрғон туманида чакана савдо тизими ривожланиб бормоқда. Бу соҳада капитал айланмаси ҳажми жиҳатидан тобора кенгайиб бормоқда. Чакана савдо соҳасидаги тадбиркорларнинг хатти-ҳаракатларида ўзига хос тажриба ортирилганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш керак.

Ҳаммамиз биламизки, бугунги кунда молиявий муносабатлардаги хизматлар кўлами биринчи даражали бўлиб қолмоқда. Чунки тадбиркорлик соҳасини юритиш ҳам энг аввало молия масаласига бориб тақалади. Уни қўллаб-қувватлаш тизимида ҳам молиявий масалалар муҳокама қилинади. Шундай экан, пуллик хизматлар доирасини ошириб бориш чоралари тегишли бошқарув ташкилотлари ва муассасаларнинг доимо диққат марказида туриши даркор.

Хусусан, Тўрақўрғон туманида пуллик хизматлар 2014 йилда 112,0%га бажарилган. 2015 йилга келиб бундай хизматлар 115,6%га бажарилди. Бир йилда ўсиш суръати 3,6 пунктга таъминланди. Албатта бугунги кунда пуллик хизматларни бажаришда тижорат банкларининг роли жуда катта. Тумандаги банк тизимининг деярли барчасида замонавий хизматлар кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. 2016 йилнинг прогноз ҳолатида туман бўйича пуллик хизматлар ўсишини 115,0%да сақлаб қолиш режалаштирилган. Бироқ, 2016 йилнинг биринчи чорагидаёқ пуллик хизматлар кўрсатишдаги белгиланган режа ўтган йилнинг шу даврига кўра 114,0%га бажарилди.

Тўрақўрғон туманида аҳолига жами кўрсатилган хизмалар 2014 йилда 120,7%га бажарилган. 2015 йилда эса бу кўрсаткич 122,6%ни ташкил этди. Айни 2016 йилнинг биринчи чорагида туман бўйича бажарилган жами хизматлар ҳажми 114,5%ни ташкил этмоқда. Лекин 2016 йилнинг якуний ҳолатига ушбу кўрсаткич 118,5%ни ташкил этиши кераклиги белгилаб қўйилди.

2-жадвал

Тўрақўрғон туманида асосий хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига таҳлили⁶

Хизмат кўрсатиш соҳалари	Ўлчов бир-лиги	Қиймати	Ўтган йилга нисбатан (%)
Аҳолига чакана савдо хизмати кўрсатиш	млрд. сўм	268,9	100,1
- ўртача аҳоли жон бошига	млн. сўм	1,3	100,1
Жами хизматлар	млрд. сўм	225,9	120,8
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	96,7	112,0
- ўртача аҳоли жон бошига	сўм	477907	112
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	12,6	110,3

⁶ Жадвал муаллиф томонидан Тўрақўрғон тумани статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб тузилди.

Тўрақўрғон туманида аҳолига чакана савдо хизмати кўрастиш қиймати 2016 йилнинг бошидаги ҳолатда 268,9 млрд. сўмга тўғри келди. Бу ўтган йилнинг худди шу даврига кўра олганда 100,1%ни ташкил этди. Чакана савдо бўйича кўрсатилган хизмаларни аҳоли жон бошига ўртача нисбатда оладиган бўлсак, 1,3 млн. сўмга тўғри келади. Жами хизматлар 225,9 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига кўра олганда 120,8%га ўсганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, 2016 йилнинг бошидаги ҳолатда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 96,7 млрд. сўмни ташкил этган. Бу эса 2015 йилнинг бошидаги статистикага нисбатан олганда 112,0%га ўсганлигини билдиради. Агар аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ўртача ҳолатни таҳлил этсак, бу 477907 сўмга тўғри келганлигини исботлайди.

Туманда рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жами 961 тани ташкил этиб, уларнинг 843 таси ўз фаолиятини йил давомида олиб борган. 2014 йилда эса фаолият кўрсатган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари 777 тани ташкил этган Демак, бир йил мобайнида уларнинг сони 66 тага ёки 8,5%га ошган.

Бу каби бизнес субъектларига бир қатор бозор инфратузилмаси объектлари хизмат кўрсатиб бормоқда. Кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолиятларини тартибга солиб боришда туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар муҳим роль ўйнамоқда. Чунки маҳаллий-ҳудудий раҳбарият томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек, имтиёзлар яратиш учун талайгина чора-тадбирлар кўриб бориш яхши йўлга қўйилган.

Тўрақўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига турли хизмат кўрсатиш амалга ошириб борилсада, 2015 йил ҳолатида кичик бизнес субъектларининг 118 та ўз фаолиятини олиб бормаган. Лекин фаолият кўрсатмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари 2014 йилга нисбатан олганда 7 тага камайган.

3-жадвал

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони (фермер хўжаликларисиз)⁷

	Рўйхатдан ўтган		Фаолият кўрсатаётган		Фаолият кўрсатмаётган	
	2014 й.	2015 й.	2014 й.	2015 й.	2014 й.	2015 й.
Саноат	183	192	159	170	24	
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	93	96	85	88	8	
Транспорт ва алоқа	63	74	58	69	5	
Қурилиш	71	76	53	67	18	
Савдо ва умум-овқатланиш	302	308	252	295	50	
Бошқа соҳалар	190	215	170	201	20	
Жами	902	961	777	843	125	118

2.2. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани фермер хўжаликларининг ер участкаларини майдонларини мақбуллаштириш ислохотлари

⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарорига асосан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкаларини майдонларини мақбуллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарори, шу ҳақдаги Наманган вилоят ҳокимининг 2015 йил 21 декабрдаги 384-сонли, Тўрақўрғон туман ҳокимининг 2015 йил 22 декабрдаги 952-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Тўрақўрғон туманда пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик экинларини парваришlashда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, дала маданиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ва мақбуллаштириш жараёнини жуда катта ишлар олиб борилди.

Жумладан, ижарага берилган ерлардан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланган, ғаллачилик ва пахтачиликда агротехник тадбирларни муддатида амалга оширмаган, чигит экишни ўз муддатида бажармаган, ернинг унумдорлигини пасайишига ва қолоқликга йўл қўйган, чигит экиш режалаштирилган экин майдонларига ноқонуний экинларни ўзбошимчалик билан экиб олиб ерларни талон-тарож қилган, бунинг натижасида контрактация шартнома мажбуриятларини бажармаслиги кутилаётган, дала четларига ошқовоқ экишни талаб даражасида олиб бормаётган фермер хўжаликлари

рахбарларининг ўз розилиги билан ёзган аризаларига асосан ер майдонларини туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариш тўғрисида ёзган аризасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 1-бандига асосан туман ҳокимлиги заҳира ер фонди ҳисобига қайтариб олинishi, фермер хўжаликларидан қайтариб олинган ер майдонлари янги лойиҳалар асосида фермер хўжалиги ташкил этиш учун кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда тендер танловига қўйилди.

2016 йил 29 февралдаги ўтказилган халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида ер ижара шартномасини бекор қилиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгашининг 2016 йил 29 февралдаги 5/2-11-сонли қарорини туман прокуратураси томонидан қонунга мувофиқлаштириш тўғрисидаги қарорига асосан:

Тумандаги чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ер майдонлари шартли қорамол бош сонига нисбатан ортиқчалиги учун “Ер Кодекси”ни 36-моддаси, 1-бандига асосан ихтиёрийлик асосида ариза бермаганлиги учун, Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”ни 36-моддаси 6-7 бандлари тартибида фермер хўжаликлари билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қисман бекор қилинди, ҳамда фермер хўжалиги тасарруфидаги ер майдонлари қисман туман ҳокимлигининг заҳира ер фондида қайтариб олинди.

Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси, туман Фермерлар Кенгашига кенг жамоатчилик асосида фермер хўжаликларидан қисман туман ҳокимлигининг заҳирасига қайтариб олинган ер майдонларида янги чорвачилик йўналишларида фермер хўжаликлари ташкил этиш юзасидан танлов эълон қилинди.

Туман Фермерлар Кенгаши, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер бериш (реализация қилиш) масалаларини бўйича комиссияси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда 2016 йил 15 майга қадар заҳира ерларига қайтарилган ер участкаларини илғор фермерларга ёки бошқа фуқароларга янгитдан фермер хўжаликларини ташкил этиш учун белгиланган тартибда ажратиб бериш тавсия этилди.

Янгитдан ташкил этиладиган фермер хўжаликларига ҳақдорлик қарздорликлари ва 2016 йил ҳосили учун қилинган харожатларини уч томонлама шартнома асосида расмийлаштириш ишларини ташкил этувчи ишчи гуруҳига:

- 2016 йил ҳосили учун экилган бошоқли дон ҳамда пахта экинларини агротехник тадбирларни бажариш учун сарфланган уруғлик, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа харожатларни янгитдан ташкил этиладиган фермер хўжаликларига уч томонлама шартнома асосида расмийлаштириш ишларини ташкил этиди;

Танлов ғолибларига белгиланган меъёрлар асосида қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш (меҳнат дафтарчаларини очиш ва шартномаларни тузиш) ишларини ташкил этувчи ишчи гуруҳига:

- қишлоқ аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида янгитдан ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ихтисослашувидан келиб чиқиб, танлов ғолибларига белгиланган меъёрлар асосида қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш (меҳнат дафтарчаларини очиш ва шартномаларни тузиш) ишларини ташкил этишди.

Жорий йилнинг ҳосили учун 6158 минг гектар майдонга чигит экилиб, давлат эҳтиёжлари учун 20190 тонна пахта хом-ашёси етиштириш учун фермер хўжаликлари томонида контрактация шартномалар тузган.

Шу жумладан фермер хўжаликларида ғўза майдонлари ривожига талаб даражасида бўлсада, Туман халқ депутатлари Кенгаши ҳузуридаги “Жамоатчилик назорати Кенгаши” томонидан бир қатор фермер хўжаликлари ғўза майдонларида агротехник тадбирларни қўпол бузганликлари, минерал ўғитларни вақтида бермаганлиги, суғориш ишларини кечиктирилганлиги ҳамда ғўза майдонларини бегона ўтлардан тозаламаганлиги, зарарқунанда ва хашоратлардан етарлича химоя қилмаганлиги натижасида 11 та фермер хўжаликларида 256,1 гектардан ортиқ “қолоқ” майдонлар мавжудлиги аниқланган.

Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли амалга оширилмаслиги, давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёсини сотиш бўйича тузилган контрактация шартнома мажбуриятларини бажарилмаслигига фермер хўжалик томонида етказиб берилган моддий ресурслар учун тўловларни амалга оширилмаслигига олиб келади.

Туман фермерлари Кенгаши аъзолари “Жамоатчилик назорати Кенгаши” билан биргаликда туманда ғўза парваришида қолоқликка йўл қўйган фермер хўжаликларини халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқиш учун чуқур тахлилий маълумотлар тайёрланди ва ривожланиш фазаларини таҳлил

қилиб чиққан ҳолда **“қолоқ” фермер хўжаликлари** рўйхатини шакллантирилди.Шунингдек:

- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги қарзларини аниқланди;
- “қолоқ” фермер хўжаликларига тегишли чоралар кўриш ва уларни масъулиятини янада ошириш юзасидан ҳар бир фермер хўжалиги учун хулосалар тайёрланди;

Тайёрланган хулосалар асосида “қолоқ” фермер хўжаликлари раҳбарлари фаолиятини туман депутатлари иштирокида ўтказиладиган халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокама қилинди ва Туманда мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни вилоят фермерлари Кенгашига тақдим этилди.

Тўрақўрғон туманида 2015 йилда ғўза парваришида қолоқликка йул қуйган фермер хўжаликлари тўғрисида М А Ъ Л У М О Т

№	Фермер хўжаликлар номи	Пахта майдони, га	Шартнома режаси тонна	2015 йил 1 июнь ҳолатига жами қарздорлик, минг сум	Шу жумладан				
					Тижорат банклардан	Минерал уғитлардан	ЁММ	Техник хизмат (МТП, МЧЖ)	Бюджет ва бджетдан ташқари жамғармаларидан
					имтиёзли қириди				
1	2	3	4	5	6	8	9	10	13
1	Қўшқароғоч нахори	40,2	111,8	124906,88	48075	38428	4056,68	12762	17354,5
2	Қир келажиги	33,8	102,1	69514,8	50634		12101,9	6778,9	
3	Бурама т сардори	58,1	102,5	433448,5	42800				
4	Тегирмон лочини	57,9	98,6	627875,18	81493	10099	9715,4	26682	3163,6
5	Хумоюн Дилшода	35,1	170,8	1255750,36	64995	9538		11392,5	3825,3
	жами	225,1	585,8	2511495,72	287997	58065	25873,98	57615,4	24343,4
6	Жахонгир Абдулходиев	42,3	90,9	391485	101100	157575	35180,6	75378,4	12870,4
7	Яндама обод замини	37,7	94,3	32532,1	6142	3187	13140,3	5810,6	42,3
8	Мохинур Асилбек	31,3	78,3	46070,4	22301	13380		3473	56,9
9	Биллолхон Ривожидинов	39,5	143,8	225223,8	69173	67528	22323,5	33213,5	16675,5
10	Адир Неъмат	14,8	63,9	90582,2	76700	3378	9986,5		
11	Қир сарбони	35,2	95	91469,1	43673	1345	9986,5	160,3	930,1
	жами	158,5	475,3	485877,6	217989	88818	55436,8	42657,4	17704,8
	ҳаммаси	425,9	1152	3388858,32	607086	304458	116491,38	175651,2	54918,6

III Боб. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантириш йўллари

3.1. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва аграр соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш

Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби аграр соҳада ҳам бир қатор ислохотлар ўтказилди. Ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, халқ дастурхонини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, дон мустақиллигига эришиш, пахтачиликни янги босқичга кўтариш борасида амалга оширилган изчил тадбирлар натижасида аввало соҳада маълум янгиланиш, ижобий ўзгаришлар рўй берди, маҳсулот етиштириш сифати ошди, энг муҳими, одамларда ерга муносабат тубдан ўзгарди.

Мақбуллаштириш тизимининг ўзига хос ёндашуви шундан иборатки, янги фермер хўжаликларини танлаш ва ташкил этишда ҳар бир туманга хос хусусиятлар инобатга олиниб, аҳоли сони ва бошқа омилларга эътибор қаратилди. Айниқса, фермерлик ҳаракатининг жорий этилгани ердан оқилона ва самарали фойдаланиш, ҳам ўзи учун, ҳам юрт манфаати учун ишлайдиган, ерни ер, элини фаровон, ўзини эса бой қиладиган тадбиркор ҳақиқий деҳқонларни майдонга олиб чиқди. Бугун фермер шунчаки мулкдор эмас, у қишлоқ хўжалигининг муҳим мурвати. У бой бўлса, мамлакат бойийди, эл фаровон яшайди. Шу боис, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай шарт-шароит яратиш ҳамда тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бутун республика аҳамиятига молик муҳим вазифага айланмоқда.

Республикаимизда фермер хўжаликлари юритиш учун ер майдонларининг оптимал ўлчамларини аниқлаб олинди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги қарорига мувофиқ, 2015 йил 1 октябргача республикадаги 83514 фермер хўжалигидан ҳар бирига тўғри келадиган ер майдонининг ўртача ўлчами 43,9 гектарни ташкил қилган.

Оптималлаштириш натижалари мамлакатда ўртача 36,1 гектар ер майдонига эга 101070 та фермер хўжалиги яратишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Қарорда белгиланишича, 2016 йил 1 январдан фермерларга ер берилиши ва уларнинг қайтиб олиниши ҳудудий фермерлар кенгаши ва ер майдонларини бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияларнинг ҳулосаларига кўра туман халқ депутатлари кенгашининг қарорлари асосида амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ҳамда яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг принципиал муҳим йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида қўмита аъзолари, мутахассислар, экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирокида юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур соҳада туб ислохотлар амалга оширилаётгани, қўлга киритилаётган ижобий натижалар замирида селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг истиқболли навларини яратиш, районлаштириш, замонавий агротехноло-гияларни ўзлаштириш каби омиллар мавжуд.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётгани, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш, энг муҳими, нарх-навони меъёрида сақлашга эришилаётганлиги эътироф этилди.

2016 йилда ер майдонларини оптималлаштириш масалалари долзарб бўлиб қолаётганлиги, шу муносабат билан ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссияларининг ролини кучайтириш, улар фаолиятидаги очиқликни янада таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиб, келгусида мазкур соҳадаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эътибор қаратдилади.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга ҳам алоҳида тўхталсак, таъкидланганидек, сувдан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар юртимизда суғориладиган ерларда 1 гектарга сарфланадиган сув ҳажмини 42 фоиздан ортиқроқ қисқартириш имконини берди. Шу билан бирга, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни тежайдиган технологияларни такомиллаштириш, янгиларини яратишга қаратилган ишларни, шу жумладан, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун нормаларини бугунги кун талаб ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга экани билдирилди.

Ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳасини босқичма-босқич ислох қилиш, фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилган ва иқтисодий жиҳатдан янада барқарор хўжаликлар вужудга келди. Ер, сув, моддий-техника ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига самарадорлик ва рентабелликнинг жадал ўсиши таъминланди, фермерларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи яхшиланди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасининг ортишида намоён бўлмоқда. Эътиборлиси, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли фермер ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Фермерларнинг онгу тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, уларнинг қишлоқдаги ҳал қилувчи кучга айланганлиги, меҳнатга, ҳаётга бўлган фаол муносабати бугунги эришилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши 68 фоизни, шу жумладан, пахтачиликда 99 фоизни, дон етиштиришда 88,7 фоизни ташкил қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларининг самарадорлигини оширишда ва шартнома интизомини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермерларнинг профессионал тайёргарлигига, ажратилган ер майдонлари, сув ва моддий-техника ресурслари, қишлоқ хўжалиги техникасидан қанчалик самарали ва оқилона фойдаланаётгани таҳлил этилиб, самарасиз ва рентабеллиги паст бўлган фермер хўжаликлари фаолияти танқидий баҳоланаётир.

Мақбуллаштириш жараёнларида ҳақиқий фермер хўжаликлари ошқоралик билан 18 та кўрсаткич мезонларига асосан танлаб олинди. Натижада фермер хўжаликларининг иқтисодий аҳволи яхшиланиб, рентабеллик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги кескин ошди.

Қайта-қайта таъкидланаётганидек, мулкдорнинг мақомини, роли ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш бугунги кунда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масаладир. Фермер — қишлоқда етакчи деҳқон. Ернинг ҳолати, сарфланган меҳнат, етиштирилган ҳосил, унинг рентабеллик даражаси — булар фермер фаолиятининг асосий кўрсаткичидир. Қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларнинг асосини айнан мана шу омиллар ташкил этади.

Фермер хўжаликларининг самарадорлигини ошириш, улар ихтиёридаги ер майдонларидан оптимал ва оқилона фойдаланиш борасидаги айрим камчилик ва муаммоларга бор. Чунончи, фермерларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва механизмларини такомиллаштириш, мамлакатимиз, шунингдек, чет эллик ҳамкор ва инвесторлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, фермерлар етиштирган маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқаришда уларга амалий ёрдам беришга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

3.2. Аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантириш йўллари

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ ҳар бир соҳада салмоқли натижалар, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, мамлакатда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ҳисобланган саноат, қишлоқ хўжалиги ва уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда эгалланган тажриба бугунги марраларга асос бўлиб хизмат қилаётгани айни ҳақиқатдир.

Бу жараёнларда мамлакатимиздаги молия муассасаларининг ўрни ва хизматлари айниқса, таҳсинга сазовордир. Шу ўринда Республика Марказий банки томонидан макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, оқилона пул кредит сиёсатини юритиш борасидаги самарали тадбирлар ўз навбатида тижорат банкларининг ресурс базасини янада мустаҳкамлаб, иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўз олдига мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тизимни ҳар тарафлама молиялаштиришни мақсад қилиб қўйган «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда. Банк нафақат қишлоқ хўжалиги балки, бошқа тармоқларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам самарали ишларни амалга оширмоқда.

Аграр иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида истиқболда ҳар бир фермер хўжаликларини иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларини ҳамда рақобатбардошликнинг асосий йўналишларидан фойдаланишнинг мавжуд муаммолари, камчиликларини мажмуавий шаклда чуқур тадқиқ этиш тақозо этилади.

Шунинг учун аграр соҳада истиқболда белгиланган вазифаларни амалга ошириш асосида фермер хўжаликларини ривожлантиришда янги фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг иқтисодий эркинлиги ва барқарорлигини рақобат муҳитида ривожланишини таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Жумладан, “Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширалаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда”.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг рақобатбардошлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири – тадбиркорлик даражаси ҳисобланади.

Бу эса, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда турли маҳсулот ҳолатига эга бўлиши орқали уларнинг рақобатбардошлилиги даражасини ҳам белгилаб беради.

“Барқарор ривожланиш” атамасининг умумэътироф этилганлиги қишлоқ хўжалиги амалиётида “барқарор қишлоқ хўжалиги” атамасининг пайдо бўлишига замин яратди. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг бундай янгича йўналиши унинг мазмун-моҳияти ва амалиётда қўллаш йўллари кўпгина мамлакатларда, шу билан бирга, халқаро ташкилотлар доирасида катта қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. Бундай ривожланиш дунёнинг кўпгина давлатлари учун бирдек маъқул ривожланиш, деб эътироф этилмоқда. Бунинг асосий тавсифи эса, ижтимоий, иқтисодий ва экологик мақсадларнинг ўзаро уйғунлигидир. Барқарор қишлоқ хўжалиги маълум бир даврдаги юқори самарадорликка эришиш эмас, балки узок келажақда ҳам аҳолининг меъёр талаблари даражасида экологик жиҳатдан тоза бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлашдан иборат. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда асосий эътибор қишлоқ аҳолисининг даромадлари, уларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатлилиқ даражаси, экологик мувозанат ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилади. Яъни, бу ерда мақсад юқори ҳосил олиш эмас, балки

иқтисодий самарадорлик мезонларига мос ҳамда сифатли ҳосилдорликка йўналтирилган ишлаб чиқариш барқарор қишлоқ хўжалигининг асосий мақсади сифатида эътироф этилади. Содда қилиб айтганда, барқарор қишлоқ хўжалиги сон эмас, сифат учун ишлайди.

Бизнинг фикримизча, бу масаланинг ечими, асосан, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган субъектларни янада самарали ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш омилларига боғлиқ. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, бу жараёнини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш йўналишларини аниқлаб олиш лозим. Жаҳон тажрибаси ва мамлакат қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳолатидан келиб чиқиб, соҳани барқарор ривожланишини таъминлашга агротехник, экологик, ижтимоий, микроиқтисодий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Агротехник барқарорлик деганда, тупроқ, умуман, деҳқончилик қилинаётган ерларнинг унумдорлигини узоқ муддат сақлаб қолишни;

Экологик барқарорлик эса, атроф-муҳитга зарар етказмаслик ва қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларнинг тўлиқ сақланиши;

Ижтимоий барқарорлик-қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасининг кўтарилиши, даромадининг ошиши ва қишлоқда ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш даражасининг кўтарилиши;

Микроиқтисодий барқарорлик-қишлоқ хўжалиги корхоналарини қишлоқдаги иқтисодий субъект сифатида узоқ муддат фаолият кўрсатишига шароит яратилиши;

Макроиқтисодий барқарорлик-ички бозорни маҳсулот билан тўлиқ таъминлаш ва ташқи бозордаги рақобатбардошликни таъминлашдир.

Фермер хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири унга таъсир этувчи омиллارни тўлиқ ва ҳаққоний ҳисобга олинишидан иборат. Олиб борилаётган илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу омиллار тизимига турлича ёндошиш мавжуд. Баъзилари бу омиллارни ишлаб чиқариш муҳитига таъсирини ҳисобга олса, иккинчилари эса, ишлаб чиқариш жараёнига таъсири ва учинчилари, уларни ишлаб чиқариш натижаларига таъсирини асос қилиб олмоқдалар. Баъзи бир илмий изланишларда эса, эътиборни кўпроқ табиий ва иқтисодий омиллار ҳамда экологик омиллارга эътибор берилмоқда. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминловчи омиллارни бир тизимга солишда қуйидагича ёндошиш маъқул бўлади.

Барқарор ривожланиш иқтисодий тизимнинг асосий мақсади қилиб олиниб, барча омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ички ва ташқи омиллار.

Биринчи гуруҳ омилнинг таъсирини тизим ичида кечаётган жараён ва бу жараёнлар элементларининг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳ омили эса, тизимга ташқи муҳитнинг таъсири билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигининг барқарорлиги такрор қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ички омиллارни қуйидаги гуруҳларга ажратиш лозим:

Ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-физиологик.

Биринчи гуруҳ бевосита озиқ-овқат маҳсулотларига ва хом ашёни қайта ишлаш корхоналари билан боғлиқ.

Иккинчи гуруҳ омилларига эса маҳсулотларни тақсимлаш ва алмашиш жараёнида юзага чиқадиган омиллар киритилади.

Учинчи гуруҳга маҳсулотни истеъмол қилиш давридаги омиллар киради.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи асосий манба бўлганлиги сабабли, ишлаб чиқариш асосий омил ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш омиллари қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: табиий, биологик, ташкилий-иқтисодий, технологик, илмий-техникавий ва экологик.

Юқоридаги омиллар фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантиришда таъсирини аниқлашда мезон сифатида хизмат қилади. Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида, фермер хўжаликларининг бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда юқорида таъкидланган қайси хусусиятга мос келишига қараб, барқарор ривожланади ҳамда реал шароитни тўлиқ ҳисобга олиш даражасини юқорилигини таъминлайди.

3.3. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий- иқтисодий жihatлари

Аграр тармоқда бозор тамойилларини босқима-босқич жорий этиш йўналишида амалга оширилаётган агроиқтисодий ислохотлар натижасидада бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тадбиркори дея ном олаётган – етиштирилган маҳсулот ва мол-мулкка хусусий эгалик қилган ҳолда, ер участкаларидан узоқ муддатли ижара асосида фойдаланиб ишлаб чиқаришни йўлга қўювчи фермер хўжаликлари устувор равишда ривожланмоқда.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «...фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди»¹.

Шу билан биргаликда фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлиги ва хўжаликда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бозор тамойилларига мос хўжалик юритиш тизимини шакллантиришга боғлиқ.

Маълумки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги олдида қўйилган асосий мақсад – табиий омиллари ва моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш асосида сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб молиявий барқарорликка эришиш ҳисобланади, Айни пайтда бу жараён фермер хўжалигида ишловчиларнинг дармадаларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва муносиб меҳнат шароитини яратиб бериш билан бирга олиб борилиши лозим.

Юқоридаги мақсадга эришиш фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали ҳал этилиши қийин бўлган масала ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ўзининг хусусиятларига боғлиқ равишда одатда ишлаб чиқарувчига нисбатан кам даромад келтиради.

Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши даври бўйича яққол мавсумий тавсифга эгалиги боисдан маҳсулот ёппасига пишиб етилган пайтда бозорларга олиб чиқилади. Бу пайтда баҳо кескин пасайиши сабабли фермер учун кам фойда келтирувчи ёки умуман фойда келтирмайдиган ўртача баҳо шаклланади.

Шу билан биргаликда аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (мева-сабзавот маҳсулотлари, гўшт ва сут каби) тез бузулувчи ва ўз сифатини (товарлилик даражасини) тез йўқотувчи маҳсулот ҳисобланади. Натижада фермер маҳсулотини тезроқ сотишга ҳаракат қилади, бу эса бозордаги баҳонинг янада пасайиб боришига олиб келади.

Кўпчилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари транспортда узоқ масофаларга ташиш учун чидамсиз маҳсулотлар ҳисобланиши боисдан узоқ бозорларга олиб боришда қийинчиликлар туғдиради. Натижада фермер етиштирган маҳсулотини баҳоси пастроқ бўлса ҳам ўзи учун яқинроқ бўлган маҳаллий бозорларда сотишга мажбур бўлади.

Шунинг учун ҳам фермер хўжаликлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва самарали сотиш масаласини ҳал этмасдан туриб кўзланган фойдалилик даражасига эриша олмайди. Бундай фаолият билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини биз бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликлари деб атамоқдамиз.

Сизга маълум кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш рағбатлантириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли Фармонида мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бизнинг назаримизда бу ерда битта ва ягона мақсад қўйилади. Бу мақсад - мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар, техника воситалари, бино ва иншоотлардан каби воситалардан унумли фойдаланган ҳолда фермер хўжалигининг оладиган **фойдаси миқдорини** ошириш ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг оладиган **фойдаси миқдорини** ошириш эса - мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, илғор тажрибалар, аграр илм-фани ютуқларига таяниш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш соҳаларига инвестициялар жалб қилиш эвазига амалга оширилади.

Демак, кўп тармоқли фермер хўжалиги олдида қўйилган асосий вазифага аниқлик киритиб олдик. Бундан буёнги барча тадбирларимиз қўйилган асосий мақсадни амалга оширишга қўмаклашиши керак бўлади.

Энди яна бир муҳим масала **“Кўп тармоқли фермер хўжалиги”** ўзи қандай тушунча эканлигига аниқлик киритиб олишимиз лозим.

Одатда тармоқ сўзи иқтисодий нуқтаи-назардан ягона бир соҳа доирасида амал қиладиган аммо, ишлаб чиқаришнинг бирон бир тугалланган, алоҳида маҳсулот етиштириш мақсадларига бўйсиндирилган йўналишига айтилади. Бунда кўпинча асосий ва қўйимча тармоқлар ажратиб олинади.

Масалан, қишлоқ хўжалиги алоҳида соҳа ҳисобланадиган бўлса, унинг асосий тармоқлари сифатида ўсимликчилик ва чорвачилик йўналишлари қабул қилинган. Ҳар бир тармоқ ўз ўрнида яна кичик тармоқларга бўлиниб боради.

Демак, **“кўп тармоқли фермер хўжалиги”** нинг асосий тармоғи сифатида – фермер хўжалиги ташкил этилиши пайтида ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган асосий ихтисослашув йўналиши қабул қилиниши тўғри бўлади.

Масалан, пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида асосий тармоқ бу пахта ва ғалла етиштириш ҳисобланса, сабзавотчилик фермер хўжаликларида асосий тармоқ сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳисобланади.

Бундай ажратишни тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки, ҳар бир йўналишда фермер хўжаликлари учун қонунларда аниқ ўлчамдаги ер майдонлари белгилаб қўйилган. Бу ер майдонларидан мақсадли фойдаланиш ҳам амалдаги қонунлар билан тартибга солинади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларидаги **“Асосий тармоқ”** тушунчасига аниқлик киритиб олдик. Фермер хўжаликларида бу масала - ер участкаларининг узоқ муддатли ижараси билан бевосита боғлиқ бўлмоқда. Энди ўз ўзидан қўшимча тармоқлар масаласи ҳал бўлади.

Яъни, фермер хўжалигининг асосий тармоқдан бошқа йўналишларда ташкил этган ишлаб чиқариш фаолияти қўшимча тармоқ ҳисобланади.

Фермер хўжаликларининг асосий ва қўшимча тармоқлари тушунчасига аниқлик киритиб олдик. Энди кўп тармоқли фермер хўжалигига тариф берсак бўлади. Юқоридаги фикрларимизга таянган ҳолда:

“Кўп тармоқли фермер хўжалиги” – фермер хўжалиги ташкил этилиши пайтида ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган асосий ихтисослашув йўналишидан бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил этиб маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Айни пайтда қўшимча тармоқ турли йўналишларда бўлиши мумкин. Энг муҳими мавжуд қонунларимиз билан тақиқланмаган ва бошқа фермер хўжаликларига зарар келтирмайдиган ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) фаолияти бўлиши керак.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи **асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёки асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган** соҳаларда ташкил этилиши мумкин. Хусусан:

қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ташкил этилганда – масалан, фермер хўжалиги сабзавотчилик йўналишида (асосий тармоқ) фаолият юритса қўшимча тармоқ сифатида сабзавотни қайта ишлаш цехлари фаолиятини йўлга қўйиши, маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш ва сақлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади;

қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилганда – масалан, фермер хўжалиги пахта ғаллачилик йўналишида (асосий тармоқ) юритса қўшимча тармоқ сифатида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, хўжалик қошида кичик тикув цехларини ташкил этиш каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилганда ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда фаолиятни йўлга қўйиш мумкин .

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш - фермер хўжаликлари асосий фаолият йўналиши бўйича етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўшимча равишда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги хўжалик юритиш субъектларида ишлаб чиқарилаётган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни

сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш, шунингдек, турли йўналишда таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини ташкил этган ҳолда, ўз даромадини қўшимча молиявий манбалар асосида барқарор кўпайтиришни таъминлашга қаратилган фаолияти ҳам ҳисобланади.

Яна бир масалани таъкидлашни хоҳлардик. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари бугунги кунда ўйлаб топилган эмас балки, узоқ тарихга эса.

Кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги муҳим шартлардан бири бу **- ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини (соф фойда) ошириш мақсадида ўз хохишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкинлигидир.** Бу борадаги фермернинг фаолияти тўлиқ ихтиёрий ва фермер хўжалигининг хусусий манфаатларига бўйсиниши лозим.

Қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш асосида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларнинг ўзида ортиқча нобудгарчиликларга йўл қўймасдан қайта ишлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни ички ва ташқи бозорларга чиқариб ҳамда қишлоқларда қўшимча иш жойлари яратиб, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, хаёт фаровонлигини яхшилашга хисса қўшади. Бу кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш асосида жамият кўрадиган наф ҳисобланади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ фаолияти ҳисобига етиштирилган маҳсулотлар фермер хўжаликларининг ички истеъмолига йўналтирилиши ва шунингдек бозорга чиқарилиши ҳам мумкин. Лекин, иқтисодий жиҳатдан қўшимча тармоқ юқори товарлилик даражасига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу кўп тармоқли фермер хўжалигини ривожлантиришда қўйилган мақсад ва вазифаларга ҳам мос келади.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ фаолиятини йўлга қўйиш ялпи даромаднинг 50 фоиздан ортиқ кўпайишини таъминлаши билан бирга маҳсулотлари исрофгарчилигини камайтириб шу ернинг ўзида уни қайта ишлашни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини яратиш имкониятини бермоқда.

Аммо, шу билан бирга қатор муаммолар ҳам борки уларни бартараф этиш талаб қилинади.

фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишга асосий эътибор қаратилиши боисдан қўшимча тармоққа эътибор пасайиши кузатилади.

Кўпчилик ҳолатларда қишлоқ ҳудудларида истеъмолчиларга газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар содир бўлиши туфайли фермер хўжаликлари томонидан тижорат банкларидан олинган кредит ҳисобига ишга туширилган замонавий технологияларга асосланган қайта ишлаш корхоналари ишига салбий таъсир қилмоқда.

Масалан, электр таъминотидаги узилишлар қайта ишлаш учун тайёрлаб қўйилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (гўшт, сут, мева-сабзавот ва бошқа) сифати бузилишига олиб келади, аниқки бундан тадбиркор зарар кўради.

Қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринлари очиш имконини берадиган кичик саноат корхоналарини қуриш ёки маҳсулотни қайта ишлаш технологияларини сотиб олишда узоқ муддатли (8-10 йил муддатли) имтиёзли (3-7 фоиз ставкали) кредитлар талаб этилади.

ХУЛОСА

2015 йилда ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида мамлакатимизда 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилган. – Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги, қишлоқ хўжалигини сердаромад тармоққа, фермерлик ҳаракатини қишлоқда етакчи кучга айлантириш ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори, фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида ва низом шунингдек умумий қоидалар асосан фермер хўжалиги давлат мулки бўлган ер майдонини ижара шартномаси тузиш асосида узоқ муддатли ижарага бериш, фермер томонидан тегишли мажбуриятлар қабул қилиш йўли билан ташкил этилади.

Ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилган ва иқтисодий жиҳатдан янада барқарор хўжаликлар вужудга келди. Ер, сув, моддий-техника ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига самарадорлик ва рентабелликнинг жадал ўсиши таъминланди, фермерларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи яхшиланди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасининг ортишида намоён бўлмоқда. Ўзтиборлиси, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли фермер ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Фермерларнинг онгу тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, уларнинг қишлоқдаги ҳал қилувчи кучга айланганлиги, меҳнатга, ҳаётга бўлган фаол муносабати бугунги эришилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда.

Республикаимизда фермер хўжаликлари юритиш учун ер майдонларининг оптимал ўлчамларини аниқлаб олинди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги қарорига мувофиқ, 2015 йил 1 октябргача республикадаги 83514 фермер хўжалигидан ҳар бирига тўғри келадиган ер майдонининг ўртача ўлчами 43,9 гектарни ташкил қилган.

Оптималлаштириш натижалари мамлакатда ўртача 36,1 гектар ер майдонига эга 101070 та фермер хўжалиги яратишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Аграр иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида истиқболда ҳар бир фермер хўжаликларини иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларини ҳамда рақобатбардошликнинг асосий йўналишларидан фойдаланишнинг мавжуд муаммолари, камчиликларини мажмуавий шаклда чуқур тадқиқ этиш тақозо этилади.

Шунинг учун аграр соҳада истиқболда белгиланган вазифаларни амалга ошириш асосида фермер хўжаликларини ривожлантиришда янги фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг иқтисодий эркинлиги ва барқарорлигини рақобат муҳитида ривожланишини таъминлаш

устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Жумладан, “Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширалаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда”.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг рақобатбардошлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири – тадбиркорлик даражаси ҳисобланади.

Бу эса, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда турли маҳсулот ҳолатига эга бўлиши орқали уларнинг рақобатбардошлилиги даражасини ҳам белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалигида асосий товар ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш механизмларидан бири бу уларга ажратилган ер майдонларининг ўлчами талабгорнинг имкониятлари билан мақбул келишидан иборатдир.

Шу мақсадда ўтган йиллар давомида мазкур масалани тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамини мақбуллаштиришга қаратилган ҳуқуқий база шакллантирилди. Унда фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш тушунчаси ва тартиб-таомиллари белгиланди.

Бизнинг фикримизча, бу масаланинг ечими, асосан, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган субъектларни янада самарали ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш омилларига боғлиқ. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, бу жараёнини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш йўналишларини аниқлаб олиш лозим. Жаҳон тажрибаси ва мамлакат қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳолатидан келиб чиқиб, соҳани барқарор ривожланишини таъминлашга агротехник, экологик, ижтимоий, микроиқтисодий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Агротехник барқарорлик деганда, тупроқ, умуман, деҳқончилик қилинаётган ерларнинг унумдорлигини узоқ муддат сақлаб қолишни;

Экологик барқарорлик эса, атроф-муҳитга зарар етказмаслик ва қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларнинг тўлиқ сақланиши;

Ижтимоий барқарорлик-қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасининг кўтарилиши, даромадининг ошиши ва қишлоқда ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш даражасининг кўтарилиши;

Микроиқтисодий барқарорлик-қишлоқ хўжалиги корхоналарини қишлоқдаги иқтисодий субъект сифатида узоқ муддат фаолият кўрсатишига шароит яратилиши;

Макроиқтисодий барқарорлик-ички бозорни маҳсулот билан тўлиқ таъминлаш ва ташқи бозордаги рақобатбардошликни таъминлашдир.

Фермер хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири унга таъсир этувчи омилларни тўлиқ ва ҳаққоний ҳисобга олинишидан иборат. Олиб борилаётган илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу омиллар тизимида турлича ёндошиш мавжуд. Баъзилари бу омилларни ишлаб чиқариш муҳитига таъсирини ҳисобга олса, иккинчилари эса, ишлаб чиқариш жараёнига таъсири ва учинчилари, уларни ишлаб чиқариш натижаларига таъсирини асос қилиб олмоқдалар. Баъзи бир илмий изланишларда эса, эътиборни кўпроқ табиий ва иқтисодий омиллар ҳамда экологик омилларга эътибор берилмоқда. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминловчи омилларни бир тизимга солишда қуйидагича ёндошиш маъқул бўлади.

Барқарор ривожланиш иқтисодий тизимнинг асосий мақсади қилиб олиниб, барча омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ички ва ташқи омиллар.

Биринчи гуруҳ омилнинг таъсирини тизим ичида кечаётган жараён ва бу жараёнлар элементларининг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳ омили эса, тизимга ташқи муҳитнинг таъсири билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигининг барқарорлиги такрор қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ички омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш лозим:

Ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-физиологик.

Биринчи гуруҳ бевосита озиқ-овқат маҳсулотларига ва хом ашёни қайта ишлаш корхоналари билан боғлиқ.

Иккинчи гуруҳ омилларига эса маҳсулотларни тақсимлаш ва алмашиш жараёнида юзага чиқадиган омиллар киритилади.

Учинчи гуруҳга маҳсулотни истеъмол қилиш давридаги омиллар киради.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи асосий манба бўлганлиги сабабли, ишлаб чиқариш асосий омил ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш омиллари қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: табиий, биологик, ташкилий-иқтисодий, технологик, илмий-техникавий ва экологик.

Юқоридаги омиллар фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантиришда таъсирини аниқлашда мезон сифатида хизмат қилади. Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида, фермер хўжаликларининг бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда юқорида таъкидланган қайси хусусиятга мос келишига қараб, барқарор ривожланади ҳамда реал шароитни тўлиқ ҳисобга олиш даражасини юқорилигини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад — халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, бунинг учун тинмай изланаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улардаги иш самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

